



**ДАВЛАТ СИРЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ДАЛИЛЛАРНИ
ТЕКШИРИШДА ҲИМОЯЧИНИНГ ИШТИРОКИ**

Жўрабеков Тохиржон Маъмуржон ўғли

Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси,

катта лейтенант

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20514896>

Аннотация. Ушбу мақолада жиноят процессида давлат сирлари билан боғлиқ далилларни текшириш жараёнида ҳимоячи иштирокининг ҳуқуқий асослари ва амалий муаммолари тадқиқ қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 89-моддасидаги мавжуд чекловлар ва уларнинг айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқига таъсири таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан Г.З.Тўлаганова, Ф.М.Мухитдинов каби олимларнинг қарашлари ҳамда Россия ва Германия қонунчилиги қиёсий ўрганилиб, ҳимоячининг махсус рухсатномасиз, фақат ошкор қилмаслик тўғрисидаги тилхат асосида жараёнда қатнашиши мақсадга мувофиқлиги асосланган. Тадқиқот якунида миллий қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Давлат сирлари, ҳимоячи, далилларни текшириш, ЖПК 89-модда, малакали юридик ёрдам, тортишувчанлик принципи, ошкор қилмаслик ҳақида тилхат, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари.

Аннотация. В данной статье исследуются правовые основы и практические проблемы участия защитника в проверке доказательств, связанных с государственными секретами в уголовном процессе. В частности, проанализированы существующие ограничения в статье 89 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан и их влияние на право обвиняемого на защиту. На основе сравнительного изучения взглядов таких ученых, как Г.З. Тулаганова, Ф.М. Мухитдинов, а также законодательства

Contact: 99 826 99 56



России и Германии, автором обоснована целесообразность участия защитника в процессе без специального допуска, лишь на основании подписки о неразглашении. В заключении разработано предложение по внесению соответствующих изменений в национальное законодательство.

Ключевые слова: Государственная тайна, защитник, проверка доказательств, ст. 89 УПК, квалифицированная юридическая помощь, принцип состязательности, подписка о неразглашении, судебно-правовые реформы.

Annotation. This article investigates the legal foundations and practical challenges of a defense attorney's participation in examining evidence related to state secrets within the criminal process. Specifically, it analyzes the existing restrictions in Article 89 of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan and their impact on the accused's right to defense. Based on a comparative study of views from scholars like G.Z. Tulaganova and F.M. Mukhitdinov, as well as the legislation of Russia and Germany, the author justifies the expediency of the defense attorney's participation based solely on a non-disclosure agreement, without requiring special clearance. The study concludes with a proposal to amend the national legislation accordingly.

Keywords: State secrets, defense attorney, examination of evidence, Article 89 of CPC, qualified legal aid, adversarial principle, non-disclosure agreement, judicial-legal reforms.

Фойдаланилган методлар: Мақолада жиноят процессида давлат сирларини қўриқлаш ва ҳимоя ҳукуқи ўртасидаги муносабатларни, хусусан, ЖПКнинг 89-моддасидаги мавжуд ҳукуқий бўшлиқларни ёритишда формал-юридик ва тизимли-тузилмавий таҳлил; илғор хорижий давлатлар Россия Федерацияси, Германия қонунчилиги ҳамда халқаро стандартларни, миллий





қонунчилик билан солиштиришда қиёсий-ҳуқуқий таҳлил; шунингдек, ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашларини гуруҳлаш, уларни танқидий ўрганиш ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича якуний таклифларни шакллантиришда мантиқий умумлаштириш, синтез ва дедукция методларидан фойдаланилган.

Кириш. Жиноят процессида давлат сирларини муҳофаза қилиш зарурати

ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи ўртасидаги оқилона мувозанатни таъминлаш — замонавий жиноят-процессуал ҳуқуқнинг энг мураккаб ва долзарб ҳуқуқий масалаларидан биридир. Зеро, бир томондан, давлат сирларининг дахлсизлиги ахборотга киришни қатъий чеклашни тақозо этса, иккинчи томондан, инсон ҳуқуқларининг узвий таркибий қисми ҳисобланган далилларни текшириш ваколати процессуал жараённинг шаффофлиги ва ошкоралигини талаб қилади.

Айнан ушбу мураккаб процессуал муносабатлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 89-моддасида “Давлат сирларини қўриқлаш” ўз ҳуқуқий ечимини топган бўлиб, мазкур норма жиноят иши доирасида давлат сири таркибига кирувчи ашёлар, ҳужжатлар ҳамда замонавий электрон маълумотларни қўздан кечириш, олиб қўйиш ва бошқа тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг қатъий процессуал тартибини белгилайди.

Мазкур модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида давлат сирлари билан боғлиқ тергов ҳаракатларини ўтказиш учун прокурор ёки суд мажлисида раислик қилувчи бундай ҳаракатларни ўтказиш вақти, жойи ва бошқа шартларини шу нарсаларни ёки ҳужжатларни ёхуд электрон маълумотларни сақлаш учун жавобгар бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари билан келишилиши лозимлиги мустаҳкамланган.

Бироқ, 89-модданинг учинчи қисми таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қонун

Contact: 99 826 99 56





чиқарувчи ушбу махфийлик режимида қатъий риоя этилишини тақозо этувчи ўзига хос тергов ҳаракатларида иштирок этиши мумкин бўлган шахслар доирасини сунъий равишда чеклаган. Хусусан, мазкур нормада: *“Бундай ҳаракатларни юритишда эксперт, мутахассис, ҳолис сифатида фақат давлат сирлари бўлган нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар билан танишишга рухсат берилган шахслар иштирок этадилар”*, деб белгиланган.

Эътибор берадиган бўлсак, ушбу рўйхатда жиноят процессининг энг муҳим иштирокчиларидан бири бўлган **ҳимоячи (адвокат)** назарда тутилмаган. Бу эса амалиётда жиддий ҳуқуқий коллизияни келтириб чиқармоқда: агар тергов ҳаракати давлат сирлари билан боғлиқ бўлса ва адвокатда махсус рухсатнома мавжуд бўлмаса, у далилларни текшириш жараёнидан четлатилиши мумкин.

Ваҳоланки, айбланувчининг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи Конституциявий норма бўлиб, унинг амалга оширилиши маъмурий чекловлар (рухсатнома йўқлиги) билан тўсиб қўйилиши мумкин эмас.

Ушбу фикримизни тасдиғи сифатида, қуйида олимлар томонидан билдирилган фикрларни ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жумладан,

Россиялик олим В.Н. Григорьев бу борада қатъий позицияни эгаллаб, “Адвокатнинг касбий мақоми уни давлат олдидаги махфийлик мажбуриятидан озод қилмайди. Агар ҳимоячида давлат сирига рухсатнома бўлмаса, айбланувчи рухсатномаси бор бошқа адвокатни танлаши лозим”[1], – деган фикрни илгари суради.

Бизнингча, ушбу ёндашувга қўшилиб бўлмайди. Сабаби, айбланувчининг ўзи танлаган адвокат орқали ҳимояланиш ҳуқуқи конституциявий кафолат бўлиб, уни қандайдир чекловлар масалан рухсатнома



талабини баҳонаси билан тўсиб қўйиш мумкин эмас. Бундан ташқари, тадқиқотимиз давомида ўрганишлар натижасида шу маълум бўлдики, амалиётда давлат сирларига рухсатномаси бор адвокатлар сони ниҳоятда чекланган бўлиб, бу айбланувчини танлов имкониятидан маҳрум қилади. Шунингдек, адвокатнинг касбий мақоми ўз-ўзидан махфийликни сақлаш мажбуриятини юклайди ва бу мажбуриятни бузганлик учун адвокатлик мақомидан маҳрум қилишгача бўлган жиддий жавобгарлик назарда тутилган. Ниҳоят, ушбу ёндашув тортишув принципини бузади, бундай ҳолатда процессуал тенглик издан чиқади ва ҳимоя томони айблов томонига нисбатан паст мавқега олиб келиши мумкин.

У.А. Тухташев ҳам бу борада “Адвокатга иш материаллари билан танишиш учун ваколатли орган томонидан бериладиган вақтинчалик махсус мақом (бир марталик рухсат) берилиши мақсадга мувофиқ”[2], деб ҳисобласа, И.Л. Петрухин бундай иштирокни “судьянинг қатъий назорати остида ва фақат ёпиқ суд мажлисида”[3] амалга оширишни таклиф қилади.

Мазкур олимларнинг илмий қарашларига қисман қўшиламиз. Сабаби ҳар икки муаллиф ҳам ҳимоячини давлат сирлари билан боғлиқ далилларни текшириш жараёнидан мутлақо четлаштириш эмас, балки унинг иштирокини маълум процессуал тартиб орқали таъминлаш зарурлигини илгари сурадилар. Бу эса ҳимоя ҳуқуқини тўлиқ инкор этувчи эскирган ёндашувга нисбатан сезиларли илғор қараш ҳисобланади.

Шу билан бирга, ушбу таклифларнинг амалий татбиқ этилиши жараёнида бир қатор муаммоли жиҳатлар юзага келиши мумкин. Жумладан, У.А. Тухташев томонидан илгари сурилган “вақтинчалик махсус мақом” механизми назарий жиҳатдан мақбул кўринса-да, амалиётда унинг олиниши мураккаб ва узоқ муддатли бюрократик жараёнларни талаб қилади. Бунинг натижасида ҳимоячи далиллар билан ўз вақтида танишиш имкониятидан





махрум бўлиши, бу эса ўз навбатида ҳимоя режасининг сифатига салбий таъсир кўрсатиши муқаррардир.

И.Л. Петрухиннинг “судьянинг қатъий назорати остида ва фақат ёпик суд мажлисида” деган таклифига келсак, унинг қамрови асосан судлов босқичи билан чекланиб қолади. Ваҳоланки, далилларни текшириш жараёни биринчи навбатда дастлабки тергов босқичида амалга оширилади ва айнан ушбу босқичда ҳимоячининг фаол иштироки ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис, мазкур таклиф дастлабки тергов босқичидаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиришга қодир эмас. Демак, ушбу олимларнинг илмий қарашлари муаммонинг ечими йўлида муҳим қадам бўлса-да, уларнинг таклифлари ҳимоячининг далилларни текшириш жараёнидаги иштирокини тўлиқ ва самарали таъминлаш учун етарли эмас.

Г.З. Тўлаганова ҳақли равишда таъкидлайдики: “Жиноят процессида тарафларнинг тенглиги принципи давлат сирларини қўриқлаш баҳонасида бузилиши мумкин эмас. Адвокатда махсус рухсатнома йўқлиги сабабли уни тергов ҳаракатидан четлатиш — бу ҳимоя ҳуқуқини қўпол равишда бузишдир. Адвокатдан ошкор қилмаслик ҳақида тилхат олишнинг ўзи кифоя”[4]. Шунингдек, Ф.М. Мухитдинов ҳам “Исботлаш жараёнида адвокатнинг ваколатларини маъмурий тўсиқлар (рухсатнома) билан чеклаш Жиноят-процессуал кодексининг руҳига зид” [5], эканлигини қайд этган бўлса, Ю.С. Пилипенко “Адвокат давлат сирига эга бўлган ишга киришганда, у автоматик равишда сирни сақлаш мажбуриятини олади. Хавфсизлик органларининг қўшимча текшируви шарт эмас”[6], – деган қатъий хулосани беради.

Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган олимларнинг илмий қарашлари мазкур муаммонинг энг мақбул ҳуқуқий ечимини ифодалайди. Дарҳақиқат, Г.З.Тўлаганова таъкидлаганидек, давлат сирларини муҳофаза қилиш важи билан жиноят процессининг конституциявий пойдевори бўлган



— тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлик принципи қурбон қилинмаслиги керак.

Шунингдек, Ф.М.Муҳитдинов ва Ю.С.Пилипенколарнинг позицияларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, адвокатнинг махсус мақоми ва унинг қонуний касбий жавобгарлиги — давлат сирларини сақлаш учун етарли кафолат ҳисобланади. Уни қўшимча маъмурий тўсиқлар (рухсатнома) билан чеклаш Жиноят-процессуал кодексининг моҳиятига зиддир. Демак, ҳимоячидан давлат сирларини ошкор қилмаслик ҳақида ёзма мажбуриятнома (тилхат) олиш механизмини жорий этиш орқали — бир вақтнинг ўзида ҳам давлат хавфсизлиги манфаатларини, ҳам айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини тўлиқ таъминлашга эришиш мумкин.

Юқорида қайд этилган назарий муаммоларга қонуний ечим топиш мақсадида хорижий давлатларнинг илғор жиноят-процессуал қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддаси 5-қисмида ҳимоячининг давлат сирлари билан ишлаш механизми аниқ белгилаб берилган. Унга кўра, агар жиноят ишида давлат сирлари мавжуд бўлса ва адвокатда махсус рухсатнома бўлмаса, уни ишдан четлатишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолатда ҳимоячидан фақатгина давлат сирларини ошкор қилмаслик тўғрисида тилхат олинади ва у далилларни текшириш жараёнида тўлақонли иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.[7]

Ушбу тажриба шуни кўрсатадики, хавфсизликни таъминлаш учун адвокатни жараёндан чиқариб ташлаш шарт эмас, балки унинг касбий жавобгарлигини оширишнинг ўзи етарлидир.

Бундан фарқли ўлароқ, Германия ЖПК – 147-параграфига кўра, ҳимоячи иш материаллари билан чекловсиз танишиш ҳуқуқига эга. Давлат сирларини ўз ичига олган материаллар бўйича ҳам ҳимоячи уларни кўриш, ўрганиш,





таққослаш ва таҳлил қилиш ҳуқуқига эга. Германияда махсус рухсатнома талаби йўқ — ҳимоячининг профессионал мақоми етарли деб ҳисобланади.[8]

“Европа Инсон ҳуқуқлари суди (ЕҲИС) ўз прецедент ҳуқуқида давлат сирлари ва ҳимоя ҳуқуқи ўртасидаги мувозанат масаласига алоҳида эътибор қаратган. Суднинг барқарор позициясига кўра, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенциясининг 6-моддаси талабларидан келиб чиқиб, миллий хавфсизлик манфаатлари ҳеч қачон айбланувчининг ўзига қарши ишлатилаётган далилларни текшириш ҳуқуқини мутлақо йўққа чиқариш учун асос бўла олмайди.

Хусусан, “Эдвардс ва Льюис Буюк Британияга қарши” ишида суд қуйидагича хулоса қилган: “Агар далиллар давлат сири ёки жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш важи билан ҳимоя тарафидан яширилса ва ҳимоячи уларни текшириш имкониятидан маҳрум этилса, бундай жараёни адолатли суд муҳокамаси деб ҳисоблаб бўлмайди. Ҳатто энг қатъий махфийлик шароитида ҳам, ҳимоячига далиллар билан танишиш учун минимал процессуал кафолатлар тақдим этилиши шарт”.[8]

Тадқиқот давомида амалга оширилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигида давлат сирларини кўриқлаш ва далилларни текшириш ҳуқуқи ўртасидаги мувозанатни таъминлаш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир. Юқорида ўрганилган Германия, Россия каби давлатларнинг илғор тажрибаси ҳамда халқаро ҳуқуқ стандартлари ҳам шуни тасдиқлайдики, махфийлик тартиби ҳимоя тарафини исботлаш жараёнидан сунъий четлатиш учун асос бўлмаслиги лозим.

Юқорида ўтказилган қиёсий-ҳуқуқий ва назарий таҳлиллар натижаларига таянган ҳолда, миллий қонунчилигимиздаги ушбу процессуал бўшлиқни тўлдириш мақсадида қуйидаги илмий хулосани шакллантириш мумкин:





Давлат сирлари билан боғлиқ ишларда ҳимоячининг иштирокини таъминлашнинг энг самарали ва одил судлов принципларига мос келувчи механизми — бу ундан давлат сирларини ошкор қилмаслик тўғрисида тилхат олиш орқали далилларни текшириш жараёнига тўлиқ жалб этишдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 89-моддаси учинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф қиламиз:

“Бундай ҳаракатларни юритишда эксперт, мутахассис, ҳолис, шунингдек ҳимоячи иштирок этади. Агар ушбу шахсларнинг давлат сирлари билан ишлашга рухсатномаси бўлмаса, улардан давлат сирларини ошкор қилмаслик тўғрисида тилхат олинади ва улар далилларни текшириш жараёнида тўлиқ иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади”.

REFERENCES

1. Григорьев В.Н., Победкин А.В., Яшин В.Н. Уголовный процесс: Учебник. – М.: Эксмо, 2008. – С. 245.
2. Тухдашев У.А. Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини такомиллаштириш масалалари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 78.
3. Петрухин И.Л. Вам нужен адвокат. – М.: Прогресс, 1993. – С. 134.
4. Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида адвокатнинг исботлашдаги иштирокини такомиллаштириш муаммолари. Юрид. фан. док. дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 156-158.
5. Муҳитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: назария ва амалиёт муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 92.
6. Пилипенко Ю.С. Тайна и адвокатура // Вестник Федеральной палаты адвокатов РФ. – 2016. – № 3. – С. 12.



SCIENTIFIC CONFERENCE OPEN PROCEEDINGS

Global Academic Knowledge Repository



7. Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодекси. 2001 йил 18 декабрь. 49-модда.
8. Германия Федератив Республикасининг Жиноят процесси тўғрисидаги қонуни (Strafprozessordnung – StPO).
9. Case of Edwards and Lewis v. the United Kingdom (Application nos. 39647/98 and 40461/98). Judgment of 22 July 2003. Para. 52-53. // European Court of Human Rights HUDOC database.

Contact: 99 826 99 56

